



## DEVELOPMENT FACTORS OF COMPETENCE LEVEL OF TEACHER OF TECHNOLOGY

М. М. Аҳмедов,

Associate Professor of Technological Education Department  
Fergana State University Fergana, Uzbekistan.

### Abstract

In this article, as factors for the development of the level of competence of the technology teacher, the increase in the level of knowledge of schoolchildren and the effectiveness of education and training processes, the effectiveness of pedagogical research in the direction of a systematic approach, ensuring the activity of students in the organization and management of pedagogical processes, and the performance of tasks set according to specific goals, the individual in the process of motivating them -activity approach was studied as important factors.

Also, the teacher envisages the use of systematic approach technologies that serve to ensure the activity of subjects in the processes of educational relations as factors for the development of the level of competence.

**Keywords:** Modernization, general labor skills, general professional skills, technological map, pedagogical system, systematic approach, technological education, professional education.

## ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КОМПЕТЕНТЛИЛИК ДАРАЖАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

М. М. Аҳмедов,

Технологик таълим кафедраси доценти  
Фарғона давлат университети Фарғона, Ўзбекистон.

### Аннотация

Ушбу мақолада технология фани ўқитувчисининг компетентлилик даражасини ривожлантириш омиллари сифатида мактаб ўқувчисининг билим даражаси ва таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини ортиши, тизимли ёндашув йўналишида педагогик тадқиқотларнинг



нативавийлиги, педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра белгиланган вазифаларни бажариши, уларни мотивлаштириш жараёнларида шахс-фаолият ёндашуви муҳим омиллар сифатида ўрганилди.

Шунингдек, ўқитувчи компетентлилик даражасини ривожлантириш омиллари сифатида тарбиявий муносабатлар жараёнларида субъектларнинг фаоллигини таъминлашга хизмат қилувчи тизимли ёндашув технологияларидан фойдаланишни назарда тутди, ...

**Калит сўзлар.** Модернизация, умуммеҳнат кўникма, умумкасбий кўникма, технологик харита, педагогик тизим, тизимли ёндашув, технологик таълим, профессионал таълим, ...

Ҳозирги кунда умумий ўрта таълим муассасаларида “Технология фани” дарсларида модернизациялашган Давлат таълим стандарти мазмунига кўра ўқувчилар «Технология» фанига оид бир қатор билим, кўникма ва малакаларни эгаллашлари кўзда тутилган /1,2/. Унга кўра ўқувчиларда технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ҳақида дунёқараши, умуммеҳнат фаолиятига доир билим, кўникма ва малакаларга, касб-ҳунарлар ҳақида умумий тасаввурга эга бўлиш, халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари тўғрисида билимларга эга бўлиши, турли материалларга бошланғич бадий ишлов бериш кўникмаларига эга бўлиш, миллий меҳнат анъаналари, урф-одатларини билиш, буюмнинг технологик ҳаритасини тайёрлаш кўникмаларига эга бўлишга оид вазифаларни ҳал этишга эътибор қаратилган

Маълумки, «Технология» фанининг мақсади ва вазифаларини ҳал этишда турли кўрсаткичлар бўйича иш олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Бунга кўра, даставвал технологик фанининг мақсадига оид мазмунига эътибор қаратадиган бўлсак, ўқувчиларни аклий ривожланиши меҳнатсеварлик ҳамда инсон меҳнатни кадрлашга ургатиш, онгли равишда касб танлашга тайёрлаш орқали касбгача тайёргарликларини амалга ошириш ҳамда жамият ва шахс фаровонлиги йўлида меҳнат фаолиятига қўшилишларига имкон берувчи шахсий сифат ва тафаккурларини ривожлантиришдан иборат эканлиги кўзда тутилган.



Шу маънода технология фанида ўқувчиларни тайёргарлик даражасига кўйиладиган зарурий талабларнинг мавзуга мос жиҳатларини таҳлил этиш соҳанинг ўз илмий-амалий ечимини кутаётган долзарб муаммолар сирасига киради.

Шу боис, “Технология фани” дарсларида ўқувчилар умуммеҳнат ва умумкасбий кўникма ва малакаларини шакллантириш технологияларини ўрганиш бўйича маълумотларни таққослаш ва таҳлили юзасидан тегишли бўлган асосларга таяниб иш кўриш мазкур тадқиқотнинг устувор йўналишларидан биридир.

Юқорида баён этилган фикрлар асосида технологик таълим жараёнларини ташкил этишда ўқитувчининг бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, яъни технология фани ўқитувчисининг компетентлилик даражасини янада ривожлантириш масалаларини ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадга мувофиқ. /3/.

Шунингдек, ўқувчилар билим даражасини ва таълим-тарбия жараёнлари самарадорлигини тизимли ёндашув методологияларисиз таъминлашни тасаввур қилиб бўлмайди. Умумий ўрта таълимда ташкил этиладиган таълим-тарбиявий аҳамият касб этувчи барча жараёнлар яхлит мураккаб педагогик тизим сифатида ўрганилиши керак. Яъни, юқорида фикр қилинган жараёнларнинг ўзаро алоқадорлиги ва бевосита боғлиқлигига кўра уларни яхлит тизим ҳолда тасаввур қилиш керак.

Мактаб ўқувчисининг билим даражаси ва талим муассасасининг таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини ўрганишда жараёнлар ўртасидаги алоқадорлик ҳамда ўзаро боғлиқлик хусусиятлари ва ҳар бир компонентнинг таъсири яхлит тизимга тегишлидир.

Тизимли ёндашув йўналишида педагогик тадқиқотлар олиб борган бир қатор олимлар мазкур ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини қуйидагича келтиришади:

– тизимлилик ва яхлитлилик шаклидаги компонентлар, ўзаро таъсир этувчи қисмлар ва бўғинларнинг ўзаро бирикиши ҳамда унинг функционал вазибаларини амалга ошириш ва ривожлантиришни таъминлайди;

– педагогик тизимда асосий компонентлардан бири мақсад бўлиб, унга эришиш учун услуб ва воситалар зарур ҳисобланади. Мақсадга эришишда тизим ва унинг компонентларининг ҳаракати тизим функциясининг моҳиятини белгилайди;



- педагогик тизимнинг ўзгариши ички зиддиятларга боғлиқ бўлади.
- ахборотларни педагогик тизимга келиб тушиши ва ундан қайта узатилиши тизим компонентларининг ўзаро ёки бутун бир тизим билан ҳамда тизимнинг ташқи муҳит билан алоқалари ҳисобланади;
- мавжуд бўлган, талаб этилаётган ва режалаштирилган истиқбол тизимлар ўртасидаги фарқни бошқарув жиҳатлари белгилайди.

Технологик таълимда педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра белгиланган вазифаларни бажаришга, уларни мотивлаштириш жараёнида шахс-фаолият ёндашуви муҳим ҳисобланади.

Ушбу муаммони ечимини аниқлашда фан ўқитувчисидан технологик таълим жараёни ташкил этиш ва бошқариш механизмининг такомиллаштиришнинг қуйидаги илмий-методик асосларини билишни тақозо этади:

- замонавий билимга эга ўқитувчи таълим жараёни самарадорлигига салбий таъсир этувчи унсурларни билиши ва уларни бартараф этиш йўллари аниқлай олиши;
- ҳар бир фанга тегишли модулларни интеграциялаш ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятларини билиши;
- ўқувчилар билим даражасини ошириш ва таълим муассасаси таълим-тарбия самарадорлигини янада юқори даражага кўтаришда ўқувчиларнинг таянч компетенциялари ва фанга оид умумий компетенцияларнинг мазмун-моҳиятини билиши;
- ўқитувчининг хусусий ва касбий компетенцияларини билиши ва уни дарс жараёнида тадбиқ этишни билиши зарур.

Демак, кўп ҳолларда технологик таълим жараёни ташкил этишда, ўқитувчининг дарс жараёнини бошқариш лаёқати ва касбий компетентлилик даражасига алоҳида эътибор билан қаратилади. Шу билан бирга ўқитувчилардан ўз фанини билиши салоҳияти, кўникмаларни шаклланиши ва малакаларни ҳосил бўлиш жараёнида янги билимларни пайдо бўлиши ва уни кундалик фаолиятга қўллаш қобилияти, ижодкорлиги ва педагогик маҳоратга эга бўлиши талаб этилади. Шунингдек, ўқитувчи дарс мавзусини баён этишда инновацион ёндашувларга асосланиши, педагогик ва психологик сифатларга эга бўлиши, шунингдек, замонавий талаблар асосида ўқувчилар гуруҳи



фаолиятини бошқариш компетентлиги даражасини юқори бўлишини бир қатор олимлар томонидан ўрганилган.


Узлуксиз таълим тизимининг муҳим босқичларидан бири сифатида умумий ўрта таълим муассасаларида таълим ва тарбия жараёнлари, жумладан, технологик таълим жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш механизмини такомиллаштириш қўйидаги тамойилларга мувофиқ амалга оширилади:

- давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилиши мажбурийлиги;
- ўқувчиларда фан асослари бўйича тизимли билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг муҳимлиги бўйича шахсий тушунчалар ва эҳтиёжларни ривожлантиришнинг зарурати;
- таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларида тизимли, корпоратив, вазиятли, рефлексив, табақалашган ва инновацион ёндашув технологияларини татбиқ этиш асосида барча учун қулай таълимий муҳитни шакллантириш;
- таълим ва тарбия жараёнлари иштирокчиларининг мазкур жараён субъектлари сифатида фаолият кўрсатиши зарурати, яъни таълим ва тарбия жараёнларида субъект-субъект муносабатларининг қарор топиши;
- таълим ва тарбия жараёнлари субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- таълим ва тарбия жараёнлари ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган компонентлар мажмуи эканлиги;
- ҳаракатланиш ва ривожланишга хизмат қилувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро бирлиги;
- таълим ва тарбия жараёнлари яхлит тизим сифатида ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги эътиборга олинади.

Мазкур тамойилларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, уларга амал қилиш зарурияти технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришдан иборат кўзланаётган мақсаднинг стратегик аҳамият эга эканлигини ифодалайди.

Бу вазифаларни амалга оширишдан кўзланаётган умумий мақсад ҳар бир вазифани алоҳида амалга оширишнинг мазмун-моҳиятан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган стратегик режалар тизими сифатида ифодалади. Умумий мақсадга эришиш йўналишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш жараёнларининг тизимга хос хусусиятлар касб этиши, технологик таълим жараёнларни ўзаро боғлиқ ҳамда алоқадор тарзда ташкил этиш заруратини ўзида намоён этади.

Айтиш мумкинки, педагогик жараён, бу бошқариладиган тизимдир. Шунинг учун педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш фаолияти самарадорлиги нафақат аудиторияда, балки аудиториядан ташқари машғулотларда ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларида ҳам субъектларнинг фаоллигини таъминлашга хизмат қилувчи тизимли ёндашув технологияларидан фойдаланишни назарда тутди. Қуйида “Субъект-субъект муносабатлари жараёнлари илова қилинди (1.1-расм).





Демак, технология фани ўқитувчисининг компетентлилик даражасини ривожлантириш омиллари сифатида мактаб ўқувчисининг билим даражаси ва таълим ва тарбия жараёнлари самарадорлигини ортиши, тизимли ёндашув йўналишида педагогик тадқиқотларнинг натижаларининг ижобийлиги, технология фанида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва аниқ мақсадларга кўра белгиланган вазифаларни бажариши, уларни мотивлаштириш жараёнларида шахс-фаолият ёндашуви муҳим омиллар сифатида ўрганилди.

Шунингдек, ўқитувчи компетентлилик даражасини ривожлантириш омиллари сифатида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш фаолияти самарадорлиги нафақат аудиторияда, балки аудиториядан ташқари машғулотларда ҳамда тарбиявий муносабатлар жараёнларида ҳам субъектларнинг фаоллигини таъминлашга хизмат қилувчи тизимли ёндашув технологияларидан фойдаланишни назарда тутди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2017 йил 3 июндаги 190-сонли “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисида”ги буйруғи.
3. С.Т.Турғунов, Б.Х.Данияров, Д.М.Отажонова //Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари: ўқув қўлланма// “Сано-стандарт” нашриёти 2011 йил.
4. М.М.Аҳмедов, З.А.Тешабоев, Г.Т.Хожикаримова. Education system - integrated process. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECSE) ISSN: 1308-5581 Vol 14, Issue 03 2022. 4211-4214.



5. М.М.Аҳмедов, Г.Т.Хожикаримова. Ўқитишнинг сифати ва таълим-тарбия самарадорлигини оширишда инновацион характерга эга бўлган инновацион дарс шаклларида фойдаланиш. Журнал “Общество и инновации” vol 2 Issue 2. Pages 1-7. 22021/4/5.
6. Р.Ҳ.Мақсудов, С.М.Отажонов, М.М.Аҳмедов, Ш.Ш.Шухратов, Г.Т.Хожикаримова “Инновацион таълимда дарс шакли, методи ва воситаларини танлаш”. (Ўқув қўлланма). Муаллифлик ҳуқуқи. 22 йил 17 майдаги № 0047888 рақамли гувоҳномаси билан муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида руйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 13 майдаги 166 – сонли буйруғига биноан нашр этишга руҳсат берилди.
7. В.Т.Ражапов, З.А.Тешабоев, М.М.Аҳмедов. Ўқитиш жараёнида ташкилий ва инновацион синф-дарс шаклларида фойдаланиш. (Ўқув қўлланма). (Муаллифлик ҳуқуқи. 22 йил 17 майдаги № 0047887 рақамли гувоҳномаси билан муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида руйхатга олинган).
8. М.М.Аҳмедов, С.М.Рўзиматова, З.А.Тешабоев //“ҲАЁТ ДАВОМИДА ЎҚИШ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА МАВЗУ “ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАСИ”НИ ТАЙЁРЛАШ МЕТОДИ// О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 668-674 betlar.
9. М.М.Аҳмедов, З.А.Тешабоев, Г.Т.Хожикаримова. Технология фани ўқитучиларининг технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш. “Муғаллим ҳем узулуксиз билимлендирў” ОАК эътироф этган илмий-методикалий журнал № 2/1 - 2022 жыл, 116-119 бетлар. Нукус шаҳри. ISSN 2181-7138.19-октябрь 2022 йил 668-674 бетлар.
10. M. M. Akhmedov, S. M. Rozimatova, Z. A. Teshaboev //AN IMPORTANT FACTOR FOR IMPROVING THE EDUCATIONAL PROCESS ON THE PRINCIPLE OF "LIFELONG LEARNING"// GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ). Vol. 10, Issue 10, Oct. (2022). 671-676 pages.
11. М.М.Аҳмедов, И.И.Каримов, С.М.Рўзиматова //ДАРС ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ МУНОСАБАТЛАРИНИ АМАЛАГА ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ// О‘ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 19.10.2022 12-SON 56-60 betlar.





12. М.М.Аҳмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова //Ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш// *Международный научный журнал «Вестник науки»* опубликована № 11 (44). Г.Тольятти от 7 ноября 2021 г.
13. М.М.Аҳмедов, З.Тешабоев Г.Хожикаримова С.М.Рўзиматова. *Технологик таълим жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг механизмлари такомиллаштириш механизмлари такомиллаштиришнинг илмий-методик асослари.* *Международный научный журнал. ORIENTAL RENAISSANCE: Innoralirc, ceducational, natural andsocial scicnces.* Volume 2 ISSUE 8. August 2022. стр.336-342.
14. М.М.Аҳмедов, С.М.Рўзиматова, А. Йўлдашев //ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ТИЗИМИ СИФАТИДА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ// *International Journal of Education, Social Science & Humanities.* FARS Publishers. Volume-11| Issue-2| 2023. 661-667 pages.
16. М.М.Akhmedov, S.M.Rozimatova, Z.A. Teshaboev //Factors for Implementation of Innovative Approach Attitudes in the Educational System// *Journal of Pedagogical Inventions and Practices.* 10-11-2022. 26-28 pages.
17. М.М.Axmedov, Bo'tayeva Gulmira Voxodirjonovna //ТЕХНОЛОГИЯ FANIDA TEXNOLOGIK JARAYONLARNI TASHKIL ETISH VA BOSHQARISH// *О'ЗБЕКISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI.* 19.10.2022 12-SON 745-750 betlar.